



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 12 - aprel

597u -son

Bog‘ot shaharchasi

Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласи ҳудудида жойлашган “JUMANAZAR MATCHONOV” фермер хўжалигига қаршли “Дам олиш уйи” бино ва иншоотларига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Тумандаги “JUMANAZAR MATCHONOV” фермер хўжалиги раҳбари Н.Болтаеванинг Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласида жойлашган “Дам олиш уйи” бино ва иншоотларига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 25 мартдаги ШЯ-Б-1312-сонли сўровномасини, Боғот туман ҳокимининг 2001 йил 13 ноябрдаги 456-сонли қарорини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 25 мартдаги 973-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 7, 20, 29-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами ички ўлчами 84,19 квадрат метр, қурилиш ости майдони 110,0 квадрат метр, умумий ер майдони 5000,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу “Дам олиш уйи” бино ва иншоотлари “JUMANAZAR MATCHONOV” фермер хўжалигига тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. “JUMANAZAR MATCHONOV” фермер хўжалиги раҳбари (Н.Болтаева)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Дам олиш уйи” бино ва иншоотларини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев